

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ САРДОР КОМИЛ ЎҒЛИ

**АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ОМИЛИ СИФАТИДА**

09.00.02 – Онг, маданият, амалиёт шакллари фалсафаси (Этика)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 314.7:314.122:323:17(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Алимов Сардор Комил ўғли

Аҳоли миграцияси ижтимоий-ахлоқий муҳит трансформацияси омили
сифатида.....3

Алимов Сардор Комил угли

Миграция населения как фактор трансформации социально-этической
среды.....23

Alimov Sardor Komil ugli

The human migration as a factor of the transformation of the socio-ethical
environment.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ САРДОР КОМИЛ ЎҒЛИ

**АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУҲИТ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ОМИЛИ СИФАТИДА**

09.00.02 – Онг, маданият, амалиёт шакллари фалсафаси (Этика)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fal447 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамеджонова Лалихон Ашуралиевна
фалсафа фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Содиқова Шохида Мархабаевна
социология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: наука@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Саифназаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Ж.С.Раматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув туфайли аҳоли миграцияси жараёнлари тобора жадаллашиб, янгича моҳият касб этмоқда. Мазкур феноменнинг таъсирида глобал ахлоқий муҳитнинг трансформацияга учраши, мигрантларнинг умумбашарий ахлоқий кадриятлар, норма ва принципларни ўзлаштириши ҳамда реципиент жамият ахлоқий муҳитига мослашувидаги қийинчиликлар, иммигрант жамиятда муҳожирларга нисбатан беқарор, бағрикенг бўлмаган муносабатнинг шаклланиши, мигрантларнинг одам савдоси, турли ақидапараст ва экстремистик гуруҳлар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларига тушиб қолиши, уларнинг индивидуализм, космополитизм, нигилизм каби зарарли иллатларнинг ташувчиси бўлиб қолаётганлиги каби ахлоқий муаммоларга ечим топиш заруратга айланиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида миграция жараёнларининг ахлоқий оқибатлари, мигрантларнинг инсоний ҳуқуқлари, иммигрант яъни мигрантларни қабул қилувчи давлат билан мигрантлар ўртасидаги муносабатларнинг ахлоқий асосларини ўрганишга доир тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида миграция жараёнининг эмигрант яъни мигрантларни етказиб берувчи мамлакатлар, мигрантлар жамоалари ҳамда глобал ахлоқий муҳит тараққиётига таъсири, миграциянинг глобал, минтақавий ва миллий хусусиятлари, давлатларнинг миграцион сиёсатининг ахлоқий мезонлари, меҳнат мигрантларига нисбатан содир этилаётган ахлоққа зид муносабат билан боғлиқ муаммоларга оид илмий изланишларни олиб бориш ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миграциянинг жамият тараққиётига, ижтимоий-ахлоқий муҳит барқарорлигига таъсирини тадқиқ этиш, ундан ресурс сифатида оқилона фойдаланиш ҳамда унинг салбий оқибатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимизнинг ташқи миграцион сиёсатида муҳожир сифатида чет элда юрган юртдошларимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мигрантларга ҳар томонлама кўмак бериш, бошқа давлатлардаги ўзбек диаспоралари билан самарали ҳамкорлик қилиш, хориждаги ватандошларимизнинг маданий, эстетик, ахлоқий эҳтиёжларини қондириш каби вазифаларга давлатнинг фуқаролар олдидаги ахлоқий мажбурияти сифатида ёндашилмоқда. Мамлакатимизнинг миграцияга оид сиёсатида ўзига хос стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, «бу борада тақдим этилаётган стратегия асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, улар қаерда эканликларидан қатъий назар, ишончли ҳимоясини таъминлаш масаласи турибди»¹. Бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган ва давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияга оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 446.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон «Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5205-сон «Хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 11 августдаги ПҚ-5220-сон ««Ватандошлар» жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга тегишли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсонларнинг ўз яшаш жойларини ўзгартиришлари, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчганларида дуч келадиган қийинчиликлари, ўзлари учун номаълум бўлган маданият, ахлоқ кўринишлари билан танишувларига оид масалаларга «Инжил», «Таврот», «Қуръони Карим» ва бошқа муқаддас диний манбаларда, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг асарларида эътибор қаратилган. Антик даврда Демокрит, Платон, Аристотель, Цицерон² каби файласуфларнинг асарларида саёҳатлар орқали бошқа ҳудудларга бориш, юнон полисларига ташриф буюрган хорижликларга нисбатан ахлоқий муносабат, колониялар атрофидаги маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришишнинг ахлоқий жиҳатлари каби масалаларга эътибор қаратилган. Ўрта Осиёда эса халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган «Алпомиш» достони³да халқларнинг кўчиши ва унга боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилган. Қолаверса, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий⁴ каби мутафаккирларимиз асарларида ҳам миграциянинг инсон ҳаётига таъсири, бошқа ҳудудда яшовчи миллат ва элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, муҳожирлар билан муносабатлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

² Демокрит. Фрагменты. – М.: Директ-Медиа, 2002. – 540 с.; Платон Афинский. Законы. Политик. – М.: Директ-Медиа, 2011. – 111 с.; Аристотель. Большая Этика. Соч.: В 4-х т. Т. 4. – М.: Мысль, 1984. – С. 296-374.; Марк Цицерон. О государстве. О законах. – М.: Академический проект, 2016. – 249 с.

³ Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 400.

⁴ Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1 жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 488.; Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 320.; Алишер Навоий. Хамса (насрий баён). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 496.

Ғарбда миграция феноменини турли ижтимоий-гуманитар фанлар нуқтаи назаридан кенг кўламли тадқиқ этишга XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб алоҳида эътибор берилди бошланган. Хусусан, Э.Адовор, М.Чайка, Ф.Докье, Ю.Моуллан, О.Лохэст, А.Марфуклар интеллектуал элитанинг бошқа мамлакатларга кўчиши ва унинг ахлоқий оқибатларини ўрганишган⁵. Ф.Дитрих, Р.Баубок, В.Бадер, Ж.Каренс, М.Думмет, М.Валзер, Ж.Исбистер, Х.Баудерлар миграция сиёсати ва миграция ахлоқининг ўзаро алоқадорлиги, давлатларнинг иммиграцион сиёсатида ахлоқий тамойилларнинг ўрни ҳақида тадқиқотлар олиб боришган⁶. Маастрихт университети профессори Ҳ.Косер ўз тадқиқотларида глобал миграциянинг одам савдоси, терроризм, мажбурий қочоқлар сонининг ортиши каби муаммолар билан алоқадорлиги, давлатларнинг бу борадаги сиёсатида эътибор қаратган⁷ бўлса, британиялик иқтисодчи олим Пол Коллиер глобал миграциянинг иммигрант ва эмигрант давлатларга яъни мигрантларни қабул қилувчи ва уларни етказиб берувчи мамлакатларга ҳамда мигрантларнинг ҳаётига бевосита таъсирини ўрганган⁸. Кембридж университети тадқиқотчиси Виктория Ценинг фикрича, мигрантларга нисбатан эмигрант, яъни мигрантларни тақдим этувчи мамлакатларда шаклланган ахлоқий муносабат бир томонлама бўлиб, кўпинча эмигрант ҳукуматлар мигрантларга фақатгина «тараққиёт агенти», «ривожланиш воситаси» сифатида ёндашади, бу жараёнда эмигрант давлатнинг ахлоқий мажбуриятлари, масъуллиги, миллатпарварлик, ватанпарварлик тамойилларига амал қилиши тўлиқ англомайди⁹. Манчестер университети тадқиқотчиси Сию Луо Британиядаги хитойлик муҳожирлар мисолида тартибсиз, ноқонуний миграция туфайли муҳожирларнинг меҳнат эксплуатациясига учраши хавфини тадқиқ этган бўлса¹⁰, Лондон университети фалсафа доктори (PhD) Суад Оссериан ўз тадқиқотларида Яқин Шарқдаги оғир вазият туфайли мажбурий миграцияга учраган, Туркиядаги

⁵ Adovor E., Czaika, M., Docquier, F., & Moullan, Y. Medical brain drain: how many, where and why? // *Journal of Health Economics*. – Amsterdam, 2021. – Т. 76. – P. 102409.; Docquier F., Lohest O., Marfouk A. Brain drain in developing countries // *The World Bank Economic Review*. – Oxford, 2007. – Т. 21. – №. 2. – P. 193-218.

⁶ Dietrich F. *Ethics of Migration* // Suhrkamp Verlag AG. – Berlin, 2017. – P. 262.; Bauböck R. *Global Justice, Freedom of Movement and Democratic Citizenship* // *European Journal of Sociology*. – Cambridge, 2009. – Vol. 50. – No. 1. – P. 1–31.; Bader V. *The Ethics of Immigration* // *Constellations*. – New York, 2005. – Vol. 12. – P. 335.; Carens J.H. *Aliens and Citizens: The Case for Open Borders* // *The Review of Politics*. – 1987. – Vol. 49. – No. 2. – P. 260.; Dummett M. *On immigration and refugees*. – New York: Routledge, 2002. – P. 73.; Walzer M. *Spheres of Justice: A Defense Of Pluralism And Equality*. – New York: Basic Books, 1984. – P. 42-46; Pevnick R. *Immigration and the Constraints of Justice. Between Open Borders and Absolute Sovereignty*. – Cambridge, 2011. – P. 199; Isbister J. *Are Immigration Controls Ethical?* // *Social Justice*. – 1996. – Vol. 23. – No. 3(65). – P. 54–67.; Bauder H. *Perspectives of open borders and no border* // *Geography Compass*. – Birmingham, 2015. – Т. 9. – №. 7. – P. 395-405.

⁷ Koser K. *International migration: A very short introduction*. – Oxford: Oxford University Press, 2007. – P. 152.

⁸ Collier P. *Exodus: How migration is changing our world*. – New York: Oxford University Press Inc., 2013. – P. 320.

⁹ Tse V. *The Ethics of Labor Migration: From Social Protection To Commodification: Thesis (Ph.D.)*. – Cambridge: University of Cambridge, 2020. – P. 261.

¹⁰ Luo S. *Statusless Chinese migrant workers in the UK: irregular migration and labour exploitation: Thesis (Ph.D.)*. – Manchester: University of Manchester, 2021. – P. 235.

кочоклар лагерларида яшаётган мигрантларнинг ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, маданий муаммоларига эътибор қаратган¹¹.

МДХ мамлакатлари олимлари ҳам миграция феноменига турли ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан эътибор қаратганлар. Хусусан, рус социологи Л.Л.Рыбаковскийнинг қарашларига кўра, миграция жараён сифатида уч босқични ўз ичига олади ҳамда ушбу феноменга ҳам ижтимоий, ҳам тарихий жиҳатдан ёндашув талаб қилинади¹². В.А.Волох, В.А.Суворова Европадаги миграцион инқироз ва унинг минтақадаги миграцион вазиятга таъсирига эътибор қаратишган¹³ бўлса, Е.Б.Семенова, Н.О.Луценко, В.Ю.Леденева каби тадқиқотчилар миграция туфайли интеллектуал элитанинг мамлакатни тарк этиши, ушбу жараённинг ахлоқий оқибатлари, МДХ, хусусан Россияга таъсирини ўрганишган¹⁴. В.Д.Жакевич, Ф.Мирзабалаева каби тадқиқотчилар донор давлатлар яъни мигрантларни тақдим этувчи мамлакатлардаги миграцион кайфиятга эътибор қаратиб, унинг бевосита миграцияга олиб борувчи омиллардан бири эканлигини таъкидлашган¹⁵. Россиялик тадқиқотчи О.Ю.Верпатова этномаданий миграцион жараёнларни «маданий шок» ҳолатидан «ўзгаларга ҳурмат» тамойилига асосланган интеграцияга қадар бўлган ассимиляциясини маданиятлар тўқнашуви нуқтаи назаридан таҳлил қилган¹⁶. Озарбайжонлик олима Т.Аллаҳярова глобал миграцион инқирозни сиёсат фалсафасида либерализм ва мультикултурализмнинг таназули билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган¹⁷.

Ўзбекистонлик олимлардан Э.М.Муҳиддинов, С.А.Ишанходжаев, Л.Х.Исоқов, Ш.Т.Тилябаева каби тадқиқотчилар миграциянинг мамлакатимизга таъсири, ушбу феноменнинг ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий

¹¹ Osseiran S. Migration, waiting and uncertainty at the borders of Europe: Syrian refugees in Istanbul: Thesis (Ph.D.). – Goldsmiths: University of London, 2017. – P. 325.

¹² Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования). – М.: Наука, 2001. – С. 10-11.; Рыбаковский Л.Л. История и теория миграции населения. Книга первая. Мировые миграции: исторические фрагменты и их детерминанты. – М.: Экон-Информ, 2016. – 210 с.

¹³ Волох В.А. Вынужденная миграция в Европе: состояние, проблемы, пути оптимизации управления и миграционного законодательства в России // Власть. – М., 2016. – № 1. – С. 158-163.; Суворова В.А. Миграционный кризис в Европе: проблемы вынужденной миграции // Власть. – М., 2018. – № 1. – С. 176-179.

¹⁴ Семенова Е.Б. «Утечка умов» как процесс социальной мобильности: причины и социальные последствия // Вестник Тамбовского университета. Серия Общественные науки. – Тамбов, 2016. – Т. 2. – Вып. 3 (7). – С. 62-65.; Луценко Н.О. «Утечка мозгов»: тенденции и меры по преодолению // Власть. – М., 2013. – №. 8. – С. 58-60.; Леденева В.Ю. Интеллектуальная миграция: мировые и российские тенденции // Высшее образование в России. – М., 2014. – № 2. – С. 35-42.

¹⁵ Жакевич В.Д. Оценка миграционного поведения и миграционных настроений населения в странах СНГ (по результатам международного социологического исследования) // Философия и социальные науки: научный журнал. – Минск: БГУ, 2008. – № 3. – С. 76-81.; Мирзабалаева Ф. Миграционные настроения молодежи периферийного региона // Современные проблемы науки и образования. – М., 2013. – №. 4. – С. 256.

¹⁶ Верпатова О.Ю. Миграция в контексте глобализирующегося социокультурного пространства: социально-философский анализ: автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Мытищи: ТГТУ, 2018. – С. 12.

¹⁷ Allahyarova T. The decline of liberal political philosophy as one of the reasons of crisis of migration and multiculturalism in western society // Philosophy and life. – Tashkent, 2018. – № 1/2 (1). – P. 13.

оқибатлари каби жиҳатларини ўрганишган¹⁸. Ф.Я.Пармоновнинг илмий изланишларида миграция жараёнлари трансформациясига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омилларни тадқиқ этилиб, соҳа бўйича мутасадди ташкилотларнинг миграцияга оид фаолияти самарадорлигини оширишга эътибор қаратилган¹⁹. Д.А.Маджидова, Д.Ғ.Хусанова, А.А.Базаров, Б.А.Акбаров, Н.Х.Зохитова, М.Ш.Яхьяева, Н.М.Сайдалиевалар томонидан меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ўрганилиб, илмий-амалий тавсиялар тақдим этилган²⁰.

Аҳоли миграцияси феноменининг ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсири муаммоси, миграциянинг ахлоқий асослари ҳамда оқибатлари, ахлоқий кадриятлар тизимига таъсири масалалари алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаганлиги диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Замонавий ахлоқ фалсафасининг миллий-минтақавий ва глобал муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли миграцияси жараёнларининг ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсирини ахлоқшуносликнинг категориал тизими асосида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миграция жараёнларининг ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсирининг фалсафий жиҳатларини, миграцияга олиб келувчи ахлоқий мотивлар ва унинг ахлоқий оқибатларини очиқ бериш;

аҳоли миграциясининг мигрантларни етказиб берувчи ва уларни қабул қилувчи давлатлар ҳамда жамиятларнинг этосферасига таъсирини фалсафий жиҳатдан ўрганиш;

муҳожирларнинг реципиент жамият ахлоқий муҳитига адаптацияси ва ижтимоий интеграциясида юзага келадиган ахлоқий муаммолар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

миграция жараёнларининг Янги Ўзбекистондаги ахлоқий кадриятлар тизимига таъсири, мамлакатимизда миграция соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг ахлоқий моҳиятини фалсафий жиҳатдан асослаш.

¹⁸ Муҳиддинов Э.М., Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграциясининг роли: Иқт. фан. бўй. фал. док. (PhD) диссертацияси. – Тошкент: ТДИУ, 2019. – Б. 161.; Ишанходжаев С.А. Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари: Юр. фан. номз. диссертацияси. – Тошкент: ЖИДУ, 2010. – Б. 175.; Isoqov L. Human trafficking and illegal migration in the western countries // ProAcademy. – Tashkent, 2018. – Т. 1. – №. 1. – Р. 71-74.; Исоқов Л. Миграция жараёнларини бошқаришнинг замонавий моделлари // Юрист ахборотномаси. – Тошкент, 2020. – Т.1. – №. 4. – Б. 153-160; Тилябаева Ш.Т. Миграция жараёнларида ўзбек диаспорасининг социал жиҳатлари // Ижтимоий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2019. – №6. – Б. 59-65.

¹⁹ Парманов Ф.Я. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари: Соц. фан. доктори (DSc) дис. автореф. – Тошкент: Давлат бошқаруви академияси, 2021. – Б. 60.

²⁰ Маджидова Д., Хусанова Д. ва бошқалар. Меҳнат мигрантлари оилаларида шахслараро муносабатларнинг педагогик-психологик омиллари. – Тошкент: Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi, 2021. – Б. 88.

Тадқиқотнинг объектини аҳоли миграцияси феномени ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети аҳоли миграцияси ва ижтимоий-ахлоқий муҳит ўртасидаги диалектик ўзаро алоқадорлик жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, ижтимоий сўров, қиёсий таҳлил усулларидан, шунингдек, тарихийлик, ўзаро алоқадорлик, тизимлилик тамойилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли миграциясига олиб келадиган индивидуал фаровонлик, бахт, ижтимоий адолат сингари ахлоқий идеалларга интилиш, фарзандларнинг мукамал ахлоқий муҳитда яшаши истаги каби ахлоқий мотивлар ҳамда миграция туфайли вужудга келадиган ахлоқий анклавизация, интеллектуал миграция, миллий ахлоқий идентикликнинг йўқолиши сингари ахлоқий оқибатлар фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

миграциянинг ҳам реципиент, ҳам донор жамиятдаги этосферанинг трансформациясига олиб келувчи ижтимоий, демографик омил эканлиги, мигрантларнинг реципиент ахлоқий муҳитга адаптация ва инклюзия (ижтимоий интеграция) қилишларида ахлоқсизликнинг маргиналлашув, трайбализм, стигматизм, ксенофобия, дискриминация, расизм каби шаклларига дуч келиши очиб берилган;

аҳоли миграцияси туфайли эмигрант жамиятга аморализм, вестернизация, нигилизм, старизм, эгоизм, гедонизм, миллий ўзликдан воз кечиш каби иллатларнинг кириб келиши сабаб-оқибат тамойилига кўра оила институтининг ахлоқий қиёфаси трансформацияси, оилавий кадриятлар деформацияси, ажралишлар ҳамда тўлиқсиз оилалар сонининг ортишига олиб келаётганлиги фалсафий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини кетишдан олдинги кўниктириш ва касбга тайёрлаш бўйича миграцион таълим дастурларининг мазмунини мигрантлар дунёқарашининг умуминсоний аксеологик тизимлар билан интеграциясига эришиш мақсадида гуманизм, толерантлик, пацифизм каби ахлоқий тамойиллар билан бойитиш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Миграцион кайфият ва миграциянинг жамият ахлоқига таъсири» мавзусида социологик тадқиқот натижалари мониторинг қилиниб, таҳлилий маълумот ишлаб чиқилган;

аҳоли миграциясининг ижтимоий-ахлоқий муҳитга салбий таъсирини камайтириш, ахлоқий оқибатларини таҳлил қилиш, миграцион жараёнларга нисбатан ахлоқий муносабатни янги босқичга кўтариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилингани, ОАК рўйхатидаги тегишли журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган мигрантларнинг иммигрант жамиятга ижтимоий адаптацияси, миграция жараёнининг ҳам донор, ҳам реципиент мамлакат ахлоқий муҳитига таъсири, мамлакатимизда миграция соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ахлоқий моҳиятига оид умумлаштирилган хулосалардан миграция ва ахлоқнинг таъсирини ўрганишга доир илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, хулоса ва тавсиялардан меҳнат миграцияси, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан шуғулланувчи Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг институтлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли миграциясининг ижтимоий-ахлоқий муҳитга таъсирини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

аҳоли миграциясига олиб келадиган индивидуал фаровонлик, бахт, ижтимоий адолат сингари ахлоқий идеалларга интилиш, фарзандларининг мукамал ахлоқий муҳитда яшаши истаги каби ахлоқий мотивлар ҳамда миграция туфайли вужудга келадиган ахлоқий анклавизация, интеллектуал миграция, миллий ахлоқий идентикликнинг йўқолиши сингари ахлоқий оқибатларга оид таклиф, тавсия ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Таълим ва тараққиёт», «Миллат ва маънавият», «Кун мавзуси» радиодастурларининг 2021 йил июль-сентябрь ойларидаги сонларини самарали ташкил этишда, уларнинг дастур ва сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston teleradiokanali» давлат муассасасининг 2021 йил 12 октябрдаги 04-25-1607-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши тингловчилар маънавий-ахлоқий дунёқараши ҳамда миграция жараёнига ахлоқий муносабатнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатган.

миграциянинг ҳам реципиент, ҳам донор жамиятдаги этосферанинг трансформациясига олиб келувчи ижтимоий, демографик омил эканлиги, мигрантларнинг реципиент ахлоқий муҳитга адаптация ва инклюзия (ижтимоий интеграция) қилишларида ахлоқсизликнинг маргиналлашув, трайбализм, стигматизм, ксенофобия, дискриминация, расизм каби шаклларида дуч келишига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг фаолиятида, жумладан туризм турларини диверсификациялаш, хусусан, зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 28 октябрдаги 04-21/9681-сонли маълумотномаси).

Диссертациянинг тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсиялари туризм йўналишидаги фаолиятни ўрганишга ҳисса қўшган.

миграция туфайли эмигрант жамиятда аморализм, вестернизация, нигилизм, старизм, эгоизм, гедонизм, миллий ўзликдан воз кечиш каби иллатларнинг кириб келиши сабаб-оқибат тамойилига кўра оила институтининг ахлоқий қиёфаси трансформацияси, оилавий қадриятлар деформацияси, ажралишлар ҳамда тўлиқсиз оилалар сонининг ортишига сабаб бўлаётганлигига оид хулосалардан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 12 февралда тасдиқланган 2021 йилнинг I ярим йилликка мўлжалланган иш режасининг «Маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш»га оид 9-бандини ишлаб чиқишда ҳамда мазкур банднинг ижросини таъминлашда, хусусан, вазирлик хузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ЖХБЛ-1-сонли «Меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция қилишнинг педагогик-психологик жиҳатлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида тайёрланган «Хорижда ишлаб қайтган ота-оналар (оила аъзолари) учун машғулотлар дастури»ни бойитишда фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2022 йил 28 февралдаги 02-02/479-сонли маълумотномаси). Диссертациянинг тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсияларидан фойдаланилганлиги вазирликнинг маҳаллалар ва оилаларда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш йўналишидаги фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистонда меҳнат мигрантларини кетишдан олдинги кўниктириш ва касбга тайёрлаш бўйича миграцион таълим дастурларининг мазмунини мигрантлар дунёқарашининг умуминсоний аксеологик тизимлар билан интеграциясига эришиш мақсадида гуманизм, толерантлик, пацифизм каби ахлоқий тамойиллар билан бойитиш заруратига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил II ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режасининг «Фуқароларни хорижга кетишдан олдин кўниктириш ва ўқитиш жараёнларига жалб қилиб бориш, кетишдан олдин кўниктириш жараёнларида уларга кетаётган давлат тили, қонунчилиги, маданияти ва уфр-одатларини ўргатиш, диний экстремизм ва миссионерлик ҳолатларини олдини олиш, «одам савдоси»га қарши кураш мавзуларида назарий ва амалий дарслар ўтилишини ташкиллаштириш»га оид 9 қисм 2.7-бандининг ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 01/00-03/2505-сонли маълумотномаси). Диссертация илмий янгилигидан фойдаланиш фуқароларнинг вақтинча чет давлатга меҳнат мигранти сифатида кетганига қадар уларни тайёрлаш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни реинтеграциясини самарали ташкил этишга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертациясининг тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида тақдим этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», уч боб, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати», «Иловалар»дан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритиб берилган. Шу билан биргаликда, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертация ишининг «**Аҳоли миграциясининг ижтимоий-ахлоқий муҳит билан таъсирлашувини ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида аҳоли миграцияси тушунчасининг категориал таҳлили амалга оширилган, миграциянинг замонавий тенденциялари, ахлоқий муҳит тушунчаси, глобал ахлоқ ва унинг тарихий эволюцияси, замонавий этосферанинг глобал ижтимоий борлиқдаги намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу икки феномен – миграция ва этосферанинг ўзаро таъсирлашуви, диалектик муносабати, миграция туфайли юзага келаётган ахлоқий муаммолар ва уларнинг ахлоқий оқибатлари илмий жиҳатдан ўрганилган.

Аҳоли миграцияси (лотинча «migratio» – кўчиш) – бу аҳолининг ўз яшаш жойини ўзгартириши, инсонларнинг ҳар қандай ҳудудий ҳаракати, бир географик ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиши ҳисобланади²¹. Ушбу феномен мураккаб мазмунга эга бўлиб, ўзида турли даражадаги инсонларнинг барча шаклдаги ҳаракатларини бирлаштиради. Ўз навбатида аҳоли миграциясини жамият ҳаётидаги бошқа турдаги фаолият шаклларида (масалан, социал ҳаракатдан) фарқлаш зарурияти ҳам мавжуд. Умуман олиб қараганда, кишиларнинг мамлакат ичида ёки ташқарисида яшаш жойини географик нуқтаи назардан ҳар қандай шаклда ўзгартириши, муддатидан (доимий, узоқ муддатли, мавсумий ёки қисқа муддатли) ва мақсадидан (доимий яшаш,

²¹ Богомолова Ю.А., Острцова А.В.. Миграционные тенденции населения Российской Федерации // Инновационная наука. – М., 2016. – но. 1-1 (13). – С. 151-153.

ўқиш, ишлаш, даволаниш, саёҳат қилиш ва бошқалар) қатъий назар аҳоли миграциясининг кўриниши ҳисобланади.

Миграцион жараёнларни ўрганишда миграцияни туризмдан ажратиб олиш зарур, чунки баъзида туризм миграциянинг бир кўриниши сифатида талқин этилади. Миграцияни туризмдан фарқлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим: биринчидан, ташқи миграция жараёни камида уч ой муддатда бўлиши талаб этилади, туристик саёҳатлар эса аксарият ҳолатларда бундан анча кам вақтда содир бўлади; иккинчидан, мигрантлар одатда иммигрант давлатда доимий ёки вақтинчалик турар жойга жойлашади, туристлар эса меҳмонхоналарга мурожаат қилади; учинчидан, туризм ортга қайтувчи жараён, миграция эса ҳар доим ҳам мигрантнинг ватанига қайтиши билан яқунланмаслиги мумкин; тўртинчидан, туристлар ўзлари ташриф буюрадиган давлатнинг ғазнаси бойишига хизмат қилади, мигрантлар эса ҳамиша ҳам иқтисодий фойда келтирмайди. Шу билан бир қаторда уч ойдан ортиқ давом этган туристик ташрифни миграция сифатида қайд этиш мумкин. Баъзида эса туристлар миграцион тартибларни бузиб, ноқонуний тарзда меҳнат фаолияти билан шуғулланишади²² ва нолегал мигрантларга айланишади.

Халқаро миграция ташкилоти берган маълумотга кўра, 1970 йилдан 2019 йилгача мигрантлар сони сайёра аҳолисининг 2,3 фоизидан 3,5 фоизигача ошиб, 84 млн.дан 271 млн.га етган²³. 1990 йилда Ер юзидаги ҳар 35 кишидан биттаси муҳожир бўлган бўлса, бугун бу кўрсаткич 29 нафарга бир мигрантга тўғри келмоқда. Агарда бутун дунёдаги мигрантларни бир ҳудудга йиғиб, ягона давлатга бирлаштириш имконияти бўлганида эди, ушбу давлат 2019 йил якунига кўра аҳоли сони бўйича дунёда Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезиядан кейин бешинчи ўринни эгаллаган бўларди²⁴. Ҳаттоки мигрантлар ҳаёлий давлати аҳолисининг сони бўйича тез орада Индонезиядан ўтиб кетишини ҳам тахмин қилиш мумкин бўлар эди. Бу рақамлар миграциянинг янада глобаллашиб, кўлами ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Кўламнинг кескин ортиб бориши эса миграциянинг замонавий тенденциялари шаклланиши олиб келди.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ахлоқий муҳит, яъни этосфера, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида инсон ва инсон, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг барча ахлоқий элементларини, ижтимоий онгдаги барча ахлоқий идеаллар, тушунчалар, тамойиллар, фазилатларни ўзида жамлаган яхлит феномен. Умуман олиб қараганда, ахлоқий муҳитнинг барқарорлиги, инсонлар ўртасидаги муносабатлар тизимида ахлоқнинг турли тамойиллари акс этиши субъектив характерга эга. Чунки ахлоқий муҳит статик ҳодиса эмас, балки динамик феномен. Унинг даврлар ўтиши билан турли омиллар таъсирида эволюцияга учраб, ўзгариб

²² Дудаев Г. Понятие, сущность и структура миграции как экономической категории // Московский экономический журнал. – М., 2016. – №. 2. – С. 16.

²³ World Migration Report 2018 (https://publications.iom.int/system/files/pdf/wmr_2018_en.pdf) International Organization for Migration. – P. 15.

²⁴ Allahyarova T. The decline of liberal political philosophy as one of the reasons of crisis of migration and multiculturalism in western society // Philosophy and life. – Tashkent, 2018. – № 1/2 (1). – P. 13.

бориши ижтимоий детерминизмнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Ахлоқий муҳит кишилик жамиятида ахлоқнинг илк белгилари вужудга келиши билан, инсонларнинг у ёки бу хатти-ҳаракатида биологик мотивлар, эҳтиёжлар эмас, ахлоқий эҳтиёжлар асос бўлган вақтдан шакллана борди. Ахлоқий муҳитнинг шаклланиши ибтидоий диний мифологик қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган табу (тақиқ)лар илоҳий борлиқнинг иродаси билан қувватлантирилган. Ўз ўрнида илк ахлоқ қоидаларининг пайдо бўлишида ибтидоий уруғ жамоасининг ҳаёт тарзи катта таъсир кўрсатган.

Аҳоли миграция бугунги кунга келиб бир қатор ахлоқий муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу муаммолар оқибатида глобал ва минтақавий даражада ахлоқий муҳитнинг трансформациясига олиб келади. Бундай ахлоқий муаммолар қаторига ривожланаётган давлатлардан интеллектуал қобилиятли инсонларнинг ривожланган мамлакатларга оммавий равишда кўчиши, турли омиллар туфайли мажбурий миграциянинг юзага келиши, нолегал миграциянинг ошиб бориши, халқаро жинойтчиларнинг, хусусан жангариларининг миграцияси, одам савдоси кабилар киритиш мумкин. Уларнинг барчаси у ёки бу шаклда миграциянинг намоён бўлиши ҳисобланади.

Хуллас, биринчи бобда ахлоқ, унинг асосий категориялари, тамойиллари, ахлоқий фазилатлар ва ижтимоий-ахлоқий идеалларнинг трансформацияси глобаллашув даврининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлаётганлиги, миграция феноменининг ахлоққа таъсири жамиятдаги ахлоқий кадриятлар тизимида намоён бўлиши билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Аҳоли миграцияси ва глобал этосфера трансформацияси орасидаги алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда миграция ахлоқи ва унинг сиёсий-маъмурий тизимлар билан таъсирлашуви, мигрантларнинг ижтимоий муҳитга адаптацияси муаммоларининг ахлоқий хусусиятлари, миграциянинг эмигрант давлат этосферасига таъсирининг ўзига хос жиҳатлари фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Аҳоли миграцияси феномени глобал ахлоқий муҳитнинг трансформациясига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир этувчи омил ҳисобланади. Мазкур бобда миграциянинг ахлоқий муҳитга таъсири бир-бири билан изчил боғлиқ бўлган қуйидаги уч ижтимоий, сиёсий бирлик доирасида тадқиқ этилган:

1) миграциянинг иммигрант мамлакатлар ёки жамиятлар ахлоқий муҳитига таъсири, давлатларнинг иммиграцион сиёсатининг ахлоқий моҳияти;

2) аҳоли миграциясининг эмигрант давлат ёки жамият ахлоқий муҳитига таъсири ҳамда ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатлари;

3) миграция жараёнининг муҳожирлар, муҳожирлар жамоаси, диаспорасининг ҳаётига, уларнинг ахлоқий қиёфасига таъсири, мигрантлар жамоасининг ахлоқий кадриятлар тизимидаги ўзгаришлар.

Миграциянинг бу хусусиятига мос равишда ушбу жараённинг барча ахлоқий нормалари, тамойиллари, идеаллари, қоидаларини ўзида жамлаган миграция ахлоқи ҳам доимий равишда турли омиллар, ижтимоий, сиёсий жараёнлар таъсирида трансформацияга учраб боради. Ўз навбатида шу ўринда «миграция ахлоқи» ва «миграция этикаси» тушунчаларини бири-биридан ажратиб олиш зарур. Миграция этикаси ахлоқшуносликнинг нисбатан янги тармоғи ҳисобланиб, у миграцион жараёнларга ахлоқий нуқтаи назардан ёндашув туфайли вужудга келади. Миграция этикаси ахлоқшуносликнинг мураккаб ва кўп тармоқли соҳаси бўлиб, у бир вақтнинг ўзида инсонлар нега бошқа яшаш жойига кўчишларини, қандай усуллар орқали кўчишларини, бу жараённинг донор, транзит ва реципиент давлатлар ахлоқига қандай таъсир этишини, давлатлар қандай ахлоқий мотивлар туфайли миграцияни қўллаб-қувватлаши, тўхтатиши ёки чеклаши лозимлигини ҳамда бу ҳаракатларнинг ахлоқий оқибатлари билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиши лозим²⁵. Умуман олиб қараганда, миграция этикаси миграция феномени билан боғлиқ барча жараёнлар, хатти-ҳаракатлар, ижтимоий онгдаги ўзгаришларни ахлоқ спектридан ўтказиб, миграция жараёнларининг ахлоқий мотивлари ва ахлоқий оқибатларини ўрганади. Миграция ахлоқи эса миграция билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, хусусан инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳукуматлар, халқаро ҳамжамият ва турли даражадаги ижтимоий бирликларнинг миграция билан боғлиқ қарорларини тартибга солиб турувчи, йўналтирувчи ахлоқий қоидалар, меъёрлар, тамойиллар, идеалларни ўзида мужассамлаштиради.

Миграция жараёнлари энг кўп таъсир этувчи субъект, ижтимоий қатлам, шубҳасиз, халқаро мигрантлар гуруҳлари, диаспоралари ҳисобланади. Мигрантлар миграция жараёнининг асосий иштирокчилари бўлишлари билан бир қаторда, ушбу жараёнларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, психологик, маданий оқибатлари билан тўқнаш келувчи асосий ижтимоий қатламдир. Мигрантларнинг бошқа мамлакатга кўчишлари билан бошлангандиган илк ва асосий муаммолари – бу уларнинг иммигрант давлат, жамият, ижтимоий ахлоқий муҳит билан ижтимоий мослашуви, адаптацияси билан боғлиқ. Адаптация аслида инсонлар ижтимоий муносабатларининг табиий оқибати, ҳар қандай ижтимоий тизимнинг функцияси ҳисобланади.

Мигрантларнинг иммигрант ижтимоий муҳитга адаптацияси билан боғлиқ муаммоларни 2 қисмга ажратишимиз мумкин: 1) мигрантлар кўчиб боришидан олдин дуч келадиган муаммолар ва уларнинг ахлоқий жиҳатлари; 2) миграциядан кейинги ижтимоий мослашув (адаптация) билан бевосита боғлиқ бўлган ахлоқий муаммолар.

Мигрантларнинг асосий муаммолари уларни қабул қилувчи ижтимоий муҳит билан адаптация (мослашув) ва инклюзия (ижтимоий интеграция) билан боғлиқ. Ушбу муаммоларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, психологик, ижтимоий жиҳатлари билан бир қаторда ахлоқий хусусиятлари, оқибатлари ҳам мавжуд. Айнан ҳар бир мигрантнинг янги жамиятга инклюзияси,

²⁵ Parker L. The ethics of migration and immigration: Key questions for policy makers //Markkula Center for Applied Ethics, A Briefing Paper. – Santa Clara, 2007.

индивидуал ахлоқнинг бегона этосферанинг нормаларини қабул қилиши умумий миграция жараёнининг глобал ахлоқий муҳит билан таъсирлашуви феноменининг асосий тамойилларини ўзида акс эттиради.

Мигрантларнинг ижтимоий муҳитга адаптациясида маргиналлашув, трайбализм, стигматизм, ксенофобия (мигрантофобия), дискриминация, расизм, ҳатто экстремистик зўравонлик каби ижтимоий ахлоқий муаммолар вужудга келиши мумкин. Ушбу муаммолар оғир ахлоқий оқибатларга олиб келиб, адаптацияни мигрантлар учун оғрикли, мураккаб, хавфли жараёнга айлантиради.

Демак, миграция эмигрант мамлакатнинг ахлоқий муҳитига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади. Одатда, миграциянинг эмигрант давлат ва жамият ахлоқий муҳитига таъсирини бағрикенглик ахлоқи, фикрлар хилма-хиллигининг қарор топиши билан боғлиқ ижобий ва мавжуд ахлоқий қадриятлар тизимининг емирилиши билан алоқадор салбий маънода тушуниш мумкин. «Оммавий маданият»нинг тарқалиши, ахлоққа зид иллатларнинг оммалашуви, ахлоқий муҳитга миграциянинг салбий таъсирининг олдини олиш учун мигрантларда миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга асосланган «маънавий иммунитет» мавжуд бўлиши талаб қилинади.

